

ЭКАЛОГИЯ СОХАСИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Бердикулов Х., Бердикулова Н.

Жиззах давлат педагогока университети E-mail: berdikulovk@list.ru

Кимё саноатида кимёвий хавфли объектлар (КХО) зарур моддалар, кимёвий бирикмалар ишлаб чиқариш фаолияти билан муҳим урин эгаллайди. Бундай корхоналар юртимиз иктисодиётига катта фойда келтириши билан биргаликда, аҳоли учун бир канча хавф ҳам тугдиради. Кимёвий хавфли объектлар синфига факат захарли моддалар ишлаб чиқарадиган катта корхоналар эмас, балки узида кучли таъсир этувчи захарли моддалар (КТЭЗМ) ишлатадиган, саклайдиган, ташиладиган бошка корхоналар ҳам киритилади. Улар аҳолига кимёвий авариялар билан хавф солади.

Кимёвий авария деганда атроф- муҳитга кучли таъсир этувчи захарли модда туқилиши ёки хавога чиқиши натижасида инсонларни захарланишига ёки нобуд бўлишига, озик-овқат маҳсулотлари, чорва моллари, усимликлар ва атроф муҳитни кимёвий захарланишига олиб келувчи авария тушунилади.

Авария вақтида атроф-муҳитнинг захарланишига, тирик организмларнинг жабрланишига олиб келадиган кучли таъсир этувчи захарли модданинг микдори токсидоза деб айтилади. Моддаларнинг рухсат этилган микдори деганда эса, бир кунлик микдори узок вақт таъсир курсатган тақдирда ҳам, организмда патологик узгаришлар келтириб чиқармайдиган, касалланишга олиб келмайдиган микдори тушунилади. Захарли моддаларнинг бир суткалик уртача, бир марталик максимал микдорлари белгилаб қуйилган. Бу микдор аҳоли пунктлари ҳамда ишлаб чиқариш хоналари учун алоҳида белгиланган. Кучли таъсир этувчи захарли моддалар босим остида суюлтирилган ҳолда сакланаётган идиш герметиклиги бузилган тақдирда, атроф муҳитга газ, буг, айрозол ҳолатида тарқалиши кузатилади. Кучли таъсир этувчи захарли модданинг захарловчи ҳолатига утиши, захарловчи концентларни ҳосил қилиши унинг физика-кимёвий хоссаларига боғлиқ. Бунда уларнинг агрегат ҳолати, сувда эрувчанглиги, органик моддаларда эриш қобилияти, зичлиги, учувчанглиги, нисбий бугланиш иссиқлиги, кайнаш температураси катта аҳамиятга эга.

Ушбу курсаткичлар ишлаб чиқариш жараёнида, аварияларни башоратлаш ва баҳолашда ҳисобга олинади.

Агар захарли модда атрофга тарқалиб, захарланиш содир бўлган тақдирда, организмга тушган захарли модда кон орқали барча организм ва туқималарга ташилади, ҳамда организмни умумий захарланишига баъзан эса кишиларни қурбон бўлишига олиб келади. Шу сабабли бундай объектларда муҳофаза тадбирларини вақтида, сифатли амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Кимёвий хавфли объектларда аввало корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизликни таъминлаш чора тадбирларига амал қилиш муҳим ҳисобланади. Бундай объектларда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: аввало ишчи ходимларни фавқулодда вазият тўғрисида вақтида хабардор қилиш учун алоқа ва хабар бериш тизимини яратиш ва иш ҳолатида саклаш, Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлари режаларини ишлаб чиқиш, фуқаро муҳофазаси хизмати ва тузилмаларини асбоб ускуналар билан жиҳозлаш ва тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, ишчи ходимларни шахсий ҳимоя воситалари ва умумий муҳофаза воситаларидан тўғри фойдаланишга, фавқулодда вазиятлар вақтида узини муҳофаза қилиш усулларига ургатиш, объектларда тактик махсусуқув машқлари ва машгулотларни вақтида утқазиб туриш; объектнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида муҳандислик-техник тадбирларини амалга ошириш.

КХОнинг хавфсизлигини ва барқарорлигини таъминлашда муҳандислик техник тадбирларнинг урни катта ҳисобланади. Буларга: коммунал тизимларга жумрак, сурма копоқ, кран каби учирини асбобларини урнатиш ва иш ҳолатида саклаш; захарли газлар ишлатиладиган цехларга газанализатор, сигнализаторлар каби хаво таркибинини назорат қилувчи асбоблар урнатиш; захарли газлар ишлатиладиган цехларнинг дераза ва эшик оралиғига ва объект территориясининг зарур жойларига сув тусиклари урнатиш; КТЭЗМ омборларини ер остига қуриш; газ балонлар сакланадиган омборларда вентиляция ускуналарини иш ҳолатида саклаш; панажойларни доимо шай ҳолатда саклаш; корхонада ёнгин хавфсизлиги талабларини амалга ошириш; кимёвий назорат постларини жиҳозлаш ва шай ҳолатда саклаш.

Кимёвий хавфли объектларда хавфсизлик талабларининг бажарилганлиги фақат корхона ишчи ходимларининг саломатлигини саклашда эмас, балки атрофдаги аҳоли хавфсизлигини, атроф муҳитни асрашда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Буриев С.Б., Хужжиев С.О. Разработка биотехнологических основ очистки загрязнённых вод с водными растениями и использования их в сельском хозяйстве// Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар: Халқаро илмий-амалий конф. тўпл. -Бухоро, 2003. -Б. 418-419.
2. Хўжжиев С.О. Юксак сув ўсимликларининг оқова сувларда ўсиши, ривожланиши ва уларни тозалашдаги моҳияти// Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти: Респ. илм-амал конф. тўпл. - Бухоро, 2004. -Б. 127-128.
3. Хўжжиев С.О. Эйҳорния ўсимлигини «Навоиязот» ишлаб-чиқариш бирлашмаси оқова сувларида ўстириш биотехнологияси// Проблемби биологии

и медитсинби. -Самарканд, 2005. -№4 (42). -С. 48-50.

4. Хўжжиев С.О. Биохилма-хилликни сақлашда оқова сувларни тозалаш биологиясининг аҳамияти// Ўзб. Респ. биологик хилмахиллигининг экологик муаммолари: Респ. илм-амал конф. тез. тўпл. -Навоий, 2006. -Б.132-133.

5. Бўриев С.Б., Хўжжиев С.О. Юксак ўсимликларнинг сианидларни парчалашдаги аҳамияти// Биол., экол. ва тупроқшуносликнинг долзарб муаммолари: Респ. илм-амал конф. тез. тўпл. -Тошкент, 2006. -Б. 156-157.